

БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Наргиза Асадуллаева

Бухоро давлат университети тадқиқотчиси

ARTICLE INFO.

Калим сўзлар:

Фуқаролик, компетенция, фаол фуқаролик, тарбия, хуқуқ, шахс, оила.

Аннотация

Маколада бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг муҳим асоси сифатида уларда шахсий манфаатдорликни шакллантириш хусусида фикр юритилади. Талаба бўлажак кадр сифатида фуқаролик компетенциясини кўрсатиб бериш орқали ўзининг салоҳиятини намоён қилиш билан бирга ижтимоий манфаатдорликни англайди. Талабаларнинг хуқуқий маданиятини ошириш ва сиёсий саводхонлигини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, ижтимоий фанларни ўқитиш жараённида Бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришга доир масалаларни таҳлил қилишга катта эътибор қаратилади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2022 LWAB.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида ёшларда фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва ёшлар сиёсатининг асосий жиҳати сифатида баҳоланмоқда. Ёшларда фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришга доир ижтимоий-сиёсий ва хуқуқий асослар ҳам такомиллаштирилмоқда. «Миллий стратегия доирасида инсон хуқусларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида «Инсон хуқуқлари», «Бола хуқуқлари», «Аёллар хуқуқлари» номли маҳсус ўқув курсларини жорий этишнинг вақти-соати келди»[1;117]. Бундай долзарб вазифаларни бутун жамият миқиёсида олиб боришида, «бутун дунёда мураккаб ва таҳликали вазият хукм сураётган ҳозирги вақтда ёшлар ҳаётига таҳдид солаётган хавф-хатарларни олдини олиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш»[2;356]да олий таълимдаги фуқаролик маданиятини ривожлантиришга қаратилгашан педагогик жараёнинг ўрни юқори хисобланади.

Олий таълимда талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятга даҳлдорлик ва масъулиятни мустаҳкамлаш ва фаол фуқаролик позициясини ривожлантиришда жамият манфаатлари устуворлигига асосланган педагогик жараённи инновацион асосда ташкил этиш самара беради. Бу орқали ёшларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва фидойилик сифатларини шакллантириш мумкин бўлади. Зеро, «ҳаёт бор экан, инсон бор экан, ҳар қайси тоифа ўзининг манфаатларини қандайдир йўллар билан амалга оширишга ҳаракат қиласи, бу ҳаётни қандай ташкил қилиш лозим, инсон, оила қандай шароитда тинч ва баҳтли яшashi мумкин, деган масалалар атрофида фикр юритади, керак бўлса қонуний йўллар билан ўз мақсадларига

эришишга интилади»[3;12-13]. Шундай экан, олий таълимда талабалар фуқаролик позициясини ривожлантиришга қаратилган инновацион педагогик жараённи ташкил этиш, билим ва кўнималарни шакллантириш уларда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг иштирокчиси ўз ўрнини топишга ҳам ёрдам беради.

Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, «олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан, ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўнималарни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимида босқичма-босқич ўтказиши, олий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса кўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини»[4] яратиш орқали бўлажак кадрларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, жамиятдаги ислоҳотларнинг амалга оширувчи, масъулиятли мутахассис бўлиб етишишларини таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий таркибий қисмлари: шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш тизимлари яхлит маърифий-тарбиявий, ижтимоий-маънавий хукмронлигининг узвий муштараклигидан ташкил топган. Ҳар қандай тизим самарадорлиги моҳиятига кўра ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан баҳоланади. Узлуксиз таълим жараёнида баркамол шахсни тарбиялаш тизимининг самарадорлигини баҳолаш жараёнида кўпроқ ижтимоий афзалликлар намоён бўлади. Зеро, тизимнинг хал қилиши натижалари таълим, тарбия ҳамда ижтимоий маданият даражасини юксалтириш, тарбияланувчиларда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун педагогик шарт-шароитларни яратиш [5;235], фаол фуқаролик компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият самарааси сифатида намоён бўлади.

Ҳар бир давлат ўз фуқароларида замон талабларига мос сифатлар ва жамият мақсадларига мос қадриятларни қарор топтиришга ҳаракат қиласи. Доимий юксалиш ҳақида қайғурадиган етакчи давлатларнинг бу борадаги тажрибаси билан танишиш фойдадан холи эмас. Шунинг учун ёшларда фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришда тараққий этган давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Узоқ Шарқ мамлакатларидан бири бўлган Япониянинг тарбия бериш усули фақат педагогик таълим бериш мажмуи бўлибгина қолмай, фуқаролик маданиятини шакллантиришга қаратилган тарбиядир. Мазкур мамлакатда болаликданоқ ижтимоий фаолликка ўргатилади ва ҳатто таълим жараёнида ҳам ушбу ёндашув муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Японларнинг таълим-тарбия методикасида ижтимоий фаоллик сифатлари болаликданоқ жамоавий ўйинлар, спорт ўйинлари орқали сингдирилади.

Япония таълим-тарбия тизимида меҳнатсеварлик, интизомлилик ва жамоавийлик япон миллий характерига хос хусусиятлар саналади. Олимларнинг фикрича, фаол фуқаролик компетенциясини ёшларда шакллантиришда японча бирдамлик мисли кўрилмаган иқтисодий ютуқларни олиб келади.

Кунчикар мамлакат таълимида талабаларнинг ижтимоий фаоллиги ва фаол фуқаролик сифатлари ва шу асосда ҳаракат қилишларининг илдизи бошланғич таълимга бориб тақалади. Япония таълим тизимида бошланғич синфларда асосий эътибор тарбияга қаратилади: болалар, инсонлар ва жониворларга хурмат билан муносабатда бўлиш, бағрикенглик, бировнинг дардига шерик бўлиш, ҳақиқатпарварлик, ўз-ўзини назорат қилиш ва табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ўргатилади. Бу тамойиллар йиллар давомида япон ёшларига таълим ва тарбия уйғунлигига фаол тфуқаролик сифатларини шакллантиради.

Америка Қўшма Штатлари таълим тизимида либерал қарашлар ва демократик бошқарувнинг олиб кирилиши рақобатбардош кадрлар тайёрлашда янгича йўлни очиб берди. Бугунги кунда

ушбу мамлакатда ҳам миллий сиёсат таъсирида **бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида** фаол фуқаролик компетенциясини шакллантириш, ягона ватан ҳиссини уйғотиш, гурухбозлик, миллатчилик, ирқчилик ва маҳаллийчилик каби ғояларни кучайиб кетмаслиги, жамият барқарорлигига салбий таъсир кўрсатмаслиги учун таълим тизимида ҳам фуқаролик маданиятини, дахлдорлик ҳиссини, ижтимоий масъулиятни тарбиялашни талаб этмоқда. Бу давлатда ёшларда эркин яшашга иштиёқ, мустақилликни қадрлаш туйғуси шакллантирилади.

Бугунги таълим тизимида **бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида** фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришга оид билимларни оширишда фанлар тизимининг умумий жиҳати хусусида эмас, балки биргина томони – ижтимоий гумантираси фанларнинг ролини тадқиқ этиш ҳам мақсадга мувофиқ саналади. Фақат “маърифат инсонни камолга, жамиятни тараққиётга етаклайди. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак” [2;29]. Шу боис, **бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида** ватан тақдирига масъулиятни, дахлдорлик туйғусини шакллантириш, фаол фуқаролик сифатларига эга рақобатбардош кадрларни тарбиялаш масалалари ҳам долзарблик касб этмоқда. Шунинг учун ҳам, **бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида** фуқаролик маданияти, ҳқуқий маданият ва сиёсий савия, ижтимоий фаолликка оид билимларни шакллантиришда ижтимоий-гуманитар фанлардан самарали фойдаланишининг методик асослари, методлари, таълим технологияларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида тарбияланаётган малакали кадрлар корпусининг рақобатбардошлигини таъминлаш заруратини ҳам юзага чиқармоқда. Шунингдек, кадрларда теран тафаккур ва кенг дунёқарашни шакллантириш, маърифатли қилиш орқали уларни ижтимоий фаоллигини ошириш, фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантириш мумкин бўлади. «Чунки инсониятнинг маънавий қашшоқлашуви жараённида маънавиятни емиришга хизмат қиласиган «демократик қадрият»ларни ривожлантиришга интилгани сари инсоннинг маънавий «мен»лиги барбод бўлмоқда. Агар бу жараёнга бугун эътиборсизлик билан қаралса»[6;53] эртага ёшларда ватанфуруушлик, эгоистлик сифатлари намоён бўла бошлайди. Бундай шароитда бўлажак бакалавр ва магистрлар учун берилаётган, таълим мазмуни, ўқув жараёнининг жаҳон андозалари даражасида ташкил этилиши фуқаролик маданиятини ҳам ривожлантиришга мос келмоғи лозим. Шунинг учун ҳам олий таълим тизимида малакали кадрлар тайёрлашнинг самарали механизмларини жорий этиш бакалаврлар, магистрлар ва бўлажак мутахассисларни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришнинг энг муҳим шарти ҳисобланади, шунингдек, ўқув-тарбия жараённида таълимнинг инновацион шакл ва усуслари, янги педагогик технологияларни қўллашни талаб этади.

Бугунги кунда олий таълимда талабаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда фаол фуқаролик компетенциясини ривожлантиришда жамиятшунос олимлар томонидан Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳияти ва унинг фуқаролик жамияти ривожланиши билан узвий боғлиқлигига бағищланган илмий йўналишдаги мақолалар чоп этилган бўлса-да, аммо олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган маҳсус дарслик нашр этилмаган. Қолаверса, ОТМларнинг ахборот ресурс марказида бўлажак бакалаврларга мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалар сони етарли эмас. Айниқса, ушбу фанлар бўйича юқори малакали мутахассислар томонидан нашрга тайёрланган рус тилидаги ўқув адабиётлари камчиллиги сезилмоқда[7;38].

Талабаларнинг ижтимоий-сиёсий **билимини** оширишда, уларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришда, ижтимоий фаоллигини оширишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг методларини тўғри танлаш ва улардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳар бирида ўзининг тадқиқот обьектига қараб турли методлари ва тамойиллари

мавжуд бўлсада, энг умумий методлар бўлган фалсафий методлар универсал аҳамиятга эга. Улар умумий алқадорликда барча ижтимоий соҳаларни таҳлил этишда ва ўрганишда фойдаланилади.

Олий таълимда ўтиладиган ижтимоий-гуманитар фанлардан «Хукуқшунослиқ»нинг **бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида** ижтимоий фаоллигини ошириш, уларда хукуқий маданиятни ривожлантириш ва фаол фуқаролик компетенциясини мустаҳкамлашда муҳим ўринга эга. Фарб олими Э.Ренен таъкидлаганидек, “хозирги жамиятлар учун тарбия масаласи келажак тақдири билан боғлиқ ҳаёт-мамот масаласидир... аввалги замонларда ворислик ёрдамида, асрий урфодатлар, уруғ-аймоқчилик ва ҳалқ удумлари ёрдамида эришилган нарсаларга эндиликда фақат таълимнинг кўмаги билангина эришиш мумкин”[8;30].

Хукуқий тарбия хукуқий таълимдан эртароқ бошланади. Аникроқ айтадиган бўлсак хукуқий таълим давлатнинг аниқ стандартлари асосида давлат таълим муассасаларида педагоглар томонидан олиб борилса, хукуқий тарбия фарзанд туғулгандан кейин ота-она ва оила аъзолари шунингдек атрофдаги жамият аъзолари томонидан бериб борилади. Бу борадаги кузатувлар натижасига кўра, ҳар бир ота-она ўзлари билмаган ҳолда хукуқий тарғиботни амалга оширадилар. Масалан, оиласда ёзилмаган оиласвий анъаналар, ахлоқ-одоб масалалари алоҳида аҳамият касб этади [9]. Хукуқий таълим орқали шахсга ўз хатти-харакатларининг қонун талабларига мослиги тўғрисидаги билимлар бериб борилади. Шу билан бирга мураккаб хукуқий муносабатлар тўғрисидаги тушунчалар шакллантирилади.

Хукуқий таълим натижасида кенг омма ёки шахс ўз хатти – ҳаракатларининг қонуний эканлигини тушунса, хукуқ тарғиботни бузмасликка ҳаракат қилса ўзини онгли равишда, хукуқ нормаларига риоя этган ҳолда бошқара олса, мақсадга эришилган бўлади. Демак, хукуқий таълим бу - ташкилий равишда мунтазам олиб бориладиган, аниқ мақсадни кўзлаган ва шахсга «гуруҳ шахсларига» таъсир қила оладиган, уларда хукуқий онг, хукуқий билим, қонунларга риоя қилиш хислатларини вужудга келтирадиган ҳаракатdir[10;23]. Хукуқий таълим муайян ўкув дастури асосида ўкувчиларга хукуқшунослик асосларини ўргатишга йўналтирилган педагогик жараён бўлиб, унинг натижаси ўкувчиларнинг хукуққа оид билимларни пухта ўзлаштиришлари, ижтимоий – хукуқий меъёрларнинг аҳамиятини изоҳлай олиш, тўғри тушуниш, уларнинг жамият ва шахс ҳаётидаги аҳамиятини англаш, қонунларга нисбатан хурмат кўрсатиш каби сифатларнинг қарор топиши билан белгиланади.

Олий педагогик таълимда таълимнинг барча турлари каби, хукуқий таълимнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Б.Зиёмуҳаммедов ва Ш.Абдуллаева хукуқий таълим-тарбияни шундай таърифлайдилар: «Хукуқий таълим-тарбия инсонда хукуқий билимларни ошириш, қонунларни яхши ўзлаштириб, уларга тўлиқ риоя этиш кўниммасини ҳосил қилишди»[11;127]. Дарҳақиқат, хукуқий таълим хукуқий билимларни ўзлаштиришни, амалий кўниммалар ва малакалар шаклланишини назарда тутади. Бу эса ёшларни хукуқий жихатдан ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб этишишлари учун замин тайёрлайди. Хукуқий таълим нафақат билим бериш, балки хукуқбузарликларни олдини олиш, интизомни мустаҳкамлаш, хукуқий онг ва хукуқий маданиятни юксалтириш каби вазифаларни ҳам ўз олдига мақсад қилиб кўяди.

Шунингдек, хукуқий таълим жараёни – педагог ва талabalар ўртасидаги муносабат, билим бериш, билим олиш, ўргатиш – ўрганиш майлида кечадиган муносабатлар тизимиdir. Хукуқий таълим педагог билан талабанинг биргаликдаги фаолияти сифатида ўзаро боғлиқ икки жараёнга – педагог фаолияти сифатида билим беришга ва талабанинг фаолияти сифатида билим олишга ажралади. Билим берувчи жамият манбаатларини ифода этгани ҳолда барча ўкув муассасаларида таълим беришнинг конституциявий хукуқини таъминлашга қаратади. Хукуқий билим берувчи:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар, демократик характерда эканлигидан келиб чиқсан холда билим олувчи билан муносабатлар оқимини инсоний фазилатлар: ўзаро хурмат, иззат-икром, ва ҳ.к. руҳида амалга оширишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди;
- ҳуқуқий таълимнинг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлади;
- ҳуқуқий таълим тизимининг дунёвий характерда эканлигини ҳам эътибордан четда қолдирмайди;
- ҳуқуқий билимли бўлишни ва истеъодни рағбатлантиради[12;69].

Олий таълимда талабалар инсоният ижтимоий–тариҳий тажрибасининг муайян жихатларини – мафкура, сиёsat, фан ва ҳуқуқий маданиятни ўзлаштиради. Ҳуқуқий таълим жараёнида талабалар ҳуқуқий тарбияланиб, уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик фидойилик фазилатлари ҳамда ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик кайфияти шаклланади.

Ҳуқуқий тарбия эса бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида мавжуд бўлган ҳуқуқий билимлар асосида фаолиятни ташкил эта олиш кўнималарини шакллантиришга йўналтирилган жараён бўлиб, унда талабаларнинг ҳуқуқшунослик асосларига оид билимларини мустаҳкамлаш учун шароит яратилади, уларни кундалик фаолиятда қўллаш кўникмаси шакллантирилади. Шунингдек, талабаларнинг ижтимоий – ҳуқуқий фаолликларини ҳосил қилишга эришилади. Талабаларнинг ҳуқуқий онгини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбияни узвийликда олиб боришни тақазо этади. Ҳуқуқий таълим тўлақонли равишда мажбурийлик характеристига эга бўлса, ҳуқуқий тарбияни йўлга қўйишда ихтиёрийлик устувор ўрин тутади.

Олий таълим тизимида ҳуқуқий таълим бир қанча жихатлардан: билим берувчининг ўз фанини билиш, ўқув-тарбия жараёнини уюштира олиши, таълимнинг замонавий технологияларини эгаллаши, талабанинг ақлий ривожланиши, унинг билиш имкониятларини чуқур анграб етиши ва билим олувчининг шахсий фазилатларини шакллантириш йўлларини билишдан таркиб топади. Ҳуқуқий таълим билим берувчи учун тафаккур фаолияти ҳамdir. У ўзини куршаб турган оламни билишни ва таълим бериш фаолиятини чуқурлаштиради. У таълимда янги мазмун ва методларни излайди. Таълим билим олувчи учун ҳам, билим берувчи учун ҳам ўзини куршаб турган оламни билишнинг бир тури хисобланади[12;70]. Ҳуқуқий таълимнинг мақсади ҳар бир кишига амалий фаолиятда зарур бўладиган ҳуқуқий билимларни белгиланган давлат стандартларидан кам бўлмаган хажмда олиш имкониятини беришдан иборатdir.

ОТМларда ташкил этиладиган ҳуқуқий таълим жараёнида, биринчидан, барча ҳуқуқий билимларни жамлаб, уларни ўргатиши тамойилидаги талабаларга солиштирилади; иккинчидан, ўргатиши тамойилларига мос келиши асосида унинг маҳаллий шароитга тўғри келиш – келмаслиги аниқланади. Чунки ҳар қандай ижтимоий воқеликда, шу жумладан, ҳуқуқий таълим – тарбия жараёнида ҳам ҳукм сурувчи қонуниятлар маълум бир ижтимоий шароитнинг объектив борлиғини қанчалик тўла ифода этган бўлишига қарамай, бошқа ижтимоий шароитга тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам ҳуқуқий – таълим усул ва услубдари ўз ҳудудимизда синаб кўрилиб, кейингина татбиқ этилади; учинчидан, тўпланган тажрибалар асосида эгалланган билимлар амалиётда қўлланилиши ўргатилади[12;76]. Ҳуқуқий таълим мазмуни – барча талабалар эгаллаши кўзда тутилган билим, малака ва кўнималар тизими ҳам тарбияловчи, ҳам ривожлантирувчи характеристда бўлиши зарур. Шундагина у талабаларнинг ақлий ва жисмоний қобилиятларининг ривожланишини, ҳуқуқий дунёқарашининг шаклланишин таъминлади, уларни ижтимоий фаолиятга тайёрлаш мумкин бўлади. Бунда ўрганилган ҳуқуқий фанлар материаллари ҳажмини аниқлаш, бу фан бўйича ўқув дастурлари ва дарслекларини талабаларни зўриқтирадиган материаллардан холи қилиш, ўқув материалларида баён қилинадиган асосий тушунчаларни қисқа ва равон баён этиш, талабаларга ҳуқуқий манбалар билан мустақил ўрганиш

имкониятини яратиш ҳуқуқий онг шаклланишини енгиллаштиради.

Ҳуқуқий таълим мазмунини унинг таркибига кирадиган ҳуқуқий билим, ҳуқуқий қўникма ва ҳуқуқий малака ташкил этади.



1-жадвал. Бўлажак ўқитувчиларда фаол фуқаролик компетенциясини мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий таълим тузилиши

Ҳуқуқий билим – ҳар бир билим каби муайян ҳуқуқ соҳасига оид маълумотлар мажмуаси бўлиб, уларни инсон тафаккурида намоён бўлишидир. Ҳуқуий билим орқали Бўлажак ўқитувчиларда тассаввур ва тушунчалар ҳосил бўлади. Ҳуқуқий билим ҳуқуқий материалларни ўргатиш ва ҳуқуқий фанларни ўқитиш орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқий қўникма – ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий тушуниш маҳоратидир. Бу маҳорат ҳуқуқий билимни яхши ўзлаштириш натижасида орттирилади.

Ҳуқуқий малака – илгариги тажрибалар, тушунчалар, билимлар асосида муайян фаолиятни амалга ошириш ҳаракатидир. Масалан, ҳуқуқий билимлар ёрдамида шахс қонунларни талқин қилиш, уларни амалга ошириш ҳаракатини намоён этади.

Олий педагогик таълимда талабалада фаол фуқаролик сифатларини ривожлантиришда, ахлоқий ва сиёсий савиясини оширишда улардаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларни миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизга чукур хурмат-эҳтиром билан қарайдиган шахслар қилиб тарбиялаш ҳуқуқий таълим-тарбиянинг асосий мақсадини ташкил этади. Аҳоли турмуш даражасини ошириш, фаровонлигига эришиш йўлида олиб борилаётган улкан, кенг кўламли, узлуксиз ислоҳот ва янгиланишларнинг амалга оширилиши жамиятнинг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий маданиятига боғлик эканлиги ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида, ҳукуқшунослик ва таълим соҳасида кенг илмий тадқиқот ишларини амалга оширишни тақозо этади.

Ўзбекистонда олий таълим тизимида талабаларида фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг инновацион педагогик усуллари муаммоси илмий-педагогик нуқтаи назаридан ўрганилмаган. Шу сабабдан мазкур муаммони таҳлил қилиш бўйича педагогик методлар, шакл ва усуллар, турли воситалар мажмуаси ҳам етарли даражада эмас.

Ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий шарти жамиятдаги ҳар бир кишининг ҳуқуқий жихатдан билими, тарбияси, онги, ҳуқуқий маданиятини шакллантиришdir. Ҳукуқшунослик фанлари талабаларнинг ҳуқуқий билимини оширишга ва олган билимларни касбий фаолиятида қўллаш йўлларини ўргатишга қаратилган. Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиш; уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишлари; бугунги ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарларга, заарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сергак ва хушёр бўлиб яшashi; жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат. Ҳуқуқий

билимнинг асосий мақсади шахсда, гурух шахсларида ҳуқуқий тушунчани шакллантириш ва унинг асосида ҳуқуқий тарбияга эришишдир. Ҳуқуқий билим беришда бошқа фанлар билан боғланиш, дарс жараёнида манбалардан, кўргазмали куроллардан, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий хужжатлардан фойдаланиш асосида Бўлажак ўқитувчиларда фаол фуқаролик компетенциясини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Олий таълим тизимида ҳуқуқий тарбиянинг самарали методикасини яратиш, **бўлажак бошлангич синф ўқитувчиларида** фуқаролик маданиятини шакллантириш муаммоларини ижобий хал этиш жамият ижтимоий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга. Жамиятда аҳоли ҳуқуқий онги ва маданияти даражасининг юксаклиги – демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий онг ўз навбатида қўйидагиларни тақозо этади: ҳуқуқнинг мазмун-моҳияти тўғрисда мушоҳада этишни; ҳуқуқий қадриятларни бошқа ижтимоий қадриятлар, хусусан ахлоқ, дин ва сиёsat билан ўзаро нисбатлашни англашни; ҳуқуқни унинг ижтимоий аҳамиятини баҳолашни; ҳуқуқга мос хуљнинг зарурлигини чукур англаб етишда кўриш мумкин. Демак, ҳуқуқий онг жамият умумий онгининг бир қисми экан, бу ҳолда мантиқан унга умумий онгга хос бўлган жиҳат ва хусусиятлар ҳам хос бўлиши табиийдир. Шундай экан, ҳуқуқий онгни шакллантириш орқали жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш мумкин.

Дарс жараёнида талабалар: давлат, унинг бошқарилишини; ҳуқуққа боғлиқ тушунчаларни; ҳуқуқий муносабатлар тушунчасини; ҳуқуқий муносабатларнинг келиб чиқиши асосларини; ҳуқуқбузарлик тушунчасини, турларини; ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси ва бошқа бир қанча ҳуқуқий маълумотларни билиб олишлари лозим. Олинган ҳуқуқий билимлар талабада фаол фуқароликка оид дунёқарашни ва фикрлаш тарзини шаклланнишига асос бўлади. Бунинг учун талаба дарс жараёнида билганларидан ташқари ўз устида ишлаб, қўшимча манбалар, адабиётлардан фойдаланиши керак. Демак, талабаларни ҳуқуқшуносликка оид билимларини чуқурлаштириш учун ўрганилаётган қонунлар, фармонлар ва қарорлар улрада ижтимоий фаолликни ошириш ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришига эътибор қаратиш лозим. Ҳар бир қонун ва қонун ости хужжатлари турли даражада умумжамиятнинг, турли гурухларнинг ва шахснинг манфаатларини қондиришда иштирок этади. Шунинг учун ҳуқуқий фанларни ўрганишда айнан шу нуқтаи назардан ёндашиш лозим.

Адабиётлар

- Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б.452.
- Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-том. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б.400.
- Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилишдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005, -Б–12-13
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони. <https://aza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-oliy-talim-tizimini-2030-yilgacha-riv-09-10-2019>.
- Одилқориев X. Конституция ва фуқаролик жамияти.- Тошкент:Ўзбекистон, 2002.
- Shermuxamedova N. Falsafa va fan metodologiyasi. –Toshkent: Aloqachi. 2008. –B. 89.
- Тожиев М., Зиёмуҳамедов Б. Педагогик технологиянинг таълим-тарбия жараёнига татбиқи ва унинг баркамол авлод фазилатларини шакллантиришдаги ўрни // Монография. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2010. – Б. 214.

8. Тайлакова Ш.Н. Ўқувчи – ёшлар маънавиятини оммавий ахборот воситалари асосида такомиллаштириш (телеқўрсатувлар, радиоэшилтиришлар ва интернет хабарлари мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати. – Тошкент, 2019. –Б.22.
9. Николаев Г.Г. Воспитание гражданских качеств подростков в детских общественных объединениях. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. – Екатеринбург, 1999. –С. 23.
10. Karimova O. Huquq ta’limini o’qitish metodikasi. Toshkent.: O’zbekiston . 2011 yil, -B.23.
11. Rotschild J.Ethnopolick: a conceptual framework. - W.-Y..1981. - P. 7; Komaroff J. Op.clt. - P.667; Glazer N. Op.cit.- P.141-176.
12. Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик (монография).- Т.: Тошкент ислом университети, 2006.–Б. 8–9.
13. SHAKLLARI I. F. NM Asadullaeva-Farg ‘ona davlat universiteti fuqarolik jamiyati kafedrasi o ‘qituvchisi TARAQQIYOTNING YANGI BOSQICHIDA TALABA-YOSHLARNI TARBIYALASHNI //FARG ‘ONA DAVLAT UNIVERSITETI. – С. 48.
14. Egamberdieva T., Asadullaeva N. SOCIO-PEDAGOGICAL FACTORS OF FORMATION OF ACTIVE CIVIL POSITION IN STUDENTS ON THE BASIS OF THE REQUIREMENTS OF A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF SOCIETY //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 6. – С. 261-267.
15. Haydarova D. INTERNETNING ZAMONAVIY O ‘ZBEK ADABIYOTIGA TA’SIRI //International Journal of Philosophical Studies and Social Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 156-158.
16. Makhammadalievna A. N. Prospects and foreign experience in the development of the pedagogical process aimed at strengthening active civil competence in future teachers //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2022. – Т. 11. – №. 3. – С. 63-69.
17. Асадуллаева Н. ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ АКТИВНОЙ ЖИЗНЕННОЙ ПОЗИЦИИ У МОЛОДЫХ ЛЮДЕЙ //МИРОВАЯ НАУКА 2020. ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ. – 2020. – С. 14-16.